

ИСКАНДАР РАҲМОН



КУЛИНГ, КУЛДИРИНГ



ИСКАНДАР РАҲМОН

**КУЛИНГ,
КУЛДИРИНГ**

*Аскиялар, воқеий ҳикоялар,
ҳажвиялар ва ҳангомалар*

**ТОШКЕНТ
«ISTIQLOL»
2018**

УЎК: 821.512.133-36
КБК: 84(5Ў)6
Р 33

***Ушбу китоб таниқли кулги устаси Айниддин Зайниддиновнинг
порлоқ хотирасига бағишланади***

Муаллиф ва тўшовчи:

Искандар Раҳмон

Тақризчилар:

***Ашурали Жўраев, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими;***

***Абдукарим Усмонхўжаев, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
Турон Фанлар академияси академиги;***

Омонулла Мадаев, филология фанлари номзоди, доцент.

Инсон ҳаётида турли-туман кулгили воқеалар, ҳангомалар кўп учраб туради. Улар одамларни беозор кулдирибгина қолмай, айни чоғда чуқур ўйлатади, мулоҳаза билан иш кўришга, огоҳлик ва ҳушёрликка ундайди. Қуролли Кучлар фахрийси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси Искандар Раҳмоннинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур тўпламига кирган ҳаётий ҳангомаларини ўқиб, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз, деган умиддамиз.



МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ ЭЪТИРОФИ

*Гулишанларни тўлдириб кулинг,
Кулгимиздан янграсин олам!
Нега кулмас эртанги куннинг
Ишқи билан яшаган одам?!*

*Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири*

2014 йил 24–28 ноябрь кунлари Париж шаҳрида ЮНЕСКОнинг «Номоддий маданий мерос бўйича ҳукуматлараро қўмитаси»нинг навбатдаги 9-сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида дунёнинг 161 мамлакатидан вакиллар қатнашди. Сессияга тақдим этилган «Инсониятнинг номоддий маданий мероси» Репрезентатив рўйхатига киритилган 46 номзод орасида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган «**Аския – ўзбек халқи сўзамоллик санъати**» ҳам муносиб ўрин олди. Бу қувончли воқеа сўнгги йилларда халқимизнинг номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб этиш борасида олиб борилган ишларнинг самараси, ўзбек халқининг анъанавий маданиятига бўлган қизиқиш ва эътироф намунасидир.

Аския дунё халқлари ичида фақатгина ўзбекларга хос бўлган миллий санъатдир. Ўзбек халқи қачон, қаерда хушчақчақлик, дилкашлик қилишни ҳамиша ўрнига қўйиб келган. Таниқли олим Расул Муҳаммадиев ўзининг «Аския» китобига: «**Ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрларидан бири аскиядир. У кенг халқ оммасининг ҳаётини, меҳнат ва кураши, ўзаро муносабатларини, эстетик фалсафасини акс эттирувчи энг оммавий жанр. Унинг негизида сўз ўйинлари, қочириқлар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади. Аския фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъати ҳамдир**», деб юксак баҳо берган.

Шундай экан, табиийки кўпчилик, айниқса ёшларда савол туғилади: Аския нима ўзи? Бунга жавоб шуки, этимиологик нуқтаи назардан «Аския – «зукколик», «закийлик», «ҳозир-жавоблик» деган маъноларни англатади. Лекин ҳаётда аскиянинг қамрови кенг, залвори оғир. Бу шунчаки сўз ўйинига асосланган санъат эмас. Балки чуқур билим, ҳаётий тажриба, зукколик ва ҳозиржавоблик мужассам бўлган ўта нозик санъат, тарбия воситаси ҳам ҳисобланади. Шу ўринда улуг санъаткор Ғанижон Тошматов билан боғлиқ бир воқеа ёдимга тушди. «Дуторчи қизлар» ансамблининг машғулотларига ҳамиша кечикиб келадиган бир созанда қизимиз одатдагидек ишга кечикиб келиб, эшикни қия очиб, аста сўрабди:

– Устоз, бошқалар ҳам **келишганми**!?

– **Келишганлар** келишди, – деб жавоб берибди Ғанижон ака.

«Келишган» деган сўз «ҳозир бўлишган», «етиб келишган» дегандан ташқари андижонча шевада «чиройли», «кўркем» маъноларида ишлатилишини яхши биламиз. Бу ерда машҳур санъаткор интизомли ходимлар кўзга чиройли кўринади, ёқимли бўлади, дейиш билан ишга кечикиб келувчи созандага яхшигина дашном берган эди.

Водийда «Риштонлик қизиқчи» номи билан элга таниш Абдурахмон Сиддиқ билан суҳбатлашганимизда унинг машҳур аския устаси, бетакрор санъаткор Муҳиддин Дарвешов ижоди ҳақида тўлқинланиб гапиргани кечагидек ёдимда: «Бир пайтлар шўро даврида кулги дарғалари таъқиб остига олинганини биргина устозимиз Муҳиддин Дарвеш мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу санъаткор худо берган истеъдоди рўёбини кўрмасдан олтмиш ёшга кирмай ўтиб кетди. Албатта, ноёб аския санъатига бўлган ўша пайтлардаги беписанд муносабат ижодкорга ўз салбий таъсирини кўрсатган эди. Муҳиддин ака шундай маҳорат эгаси эдики, жамиятда ҳеч ким илғамаган ёки эътибор бермаган воқеалар, иллатларни тезкорлик билан юморга айлантирарди, кулги яратарди. Бундан ташқари, зиёли, жаҳон адабиёти ва чет тилларни яхши биладиган, энг асосийси дунёдаги сиёсий воқеа-ҳодисалардан хабардор, уларни таҳлил қила оладиган ҳушёр, билимдон одам эди. Шўро даврининг иллатларини ғоят усталик билан ҳажв қамчиси остига олардики, беихтиёр раҳбарлар ғазабга, халқ эса завққа тўларди. Биргина тахта воқеа-

си билан боғлиқ қурилишдаги ўғирликларни кўз олдимизга келтирайлик. У пайтларда бу мавзуда гапириш учун отнинг калласидек юрак керак эди. Шу сабабдан устоз ишдан ҳайдалиб, тазйиқларга учраган. Лекин Муҳиддин Дарвеш ҳеч қачон тушкунликка тушмаган, одамларни кулдиргани кулдирган эди.»

Мазкур санъат тури Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида санъат даражасига кўтарилган. Бинобарин, унинг асосий иштирокчилари бўлмиш Фарғона водийси аҳолиси аския томошаларида фаол қатнашиб келишган. Аския айнан ушбу масканда шаклланиб, ривож топган ва республикамизнинг бошқа вилоятларига тарқалиб, халқ оғзаки ижодиётининг оммавий жанрига айланган. Бу санъат авлоддан-авлодга устоз-шоғирд анъаналари воситасида, асосан, оғзаки равишда ўтиб келмоқда. Аскиячидан ҳозиржавоблик, зийраклик ва донишмандлик, шу билан бирга, сўз бойлиги, бадиий-эстетик дид талаб этилади. Соф фикрлар курашидан иборат бўлган бу айтишув киши руҳи, тасаввури ва тафакқурига тез таъсир этади. Кескин, айна пайтда беғараз кулги билан суғорилган баҳслашув бир тарафнинг галабаси билан тугайди. Сўзлар қанчалик аниқ, равшан, жарангли айтилса, жумлалар қисқа, пухта тузилса, пайров мазмуни эшитувчиларга шунчалик тез етиб боради.

Аскиячи пайров мазмуни, воқеалар, фактларга бевосита оид фикрларни дарҳол топа олиш қобилиятига эга бўлиши шарт. Ушбу санъатнинг характерли хусусияти унда бир неча маънони англатувчи, кўчма маънолар берувчи ўйноқи ибора ва сўзларни ишлатиб, сўз ўйинлари қила билиш билан белгиланади. Аския пайрови сюжетли бадиий асар ҳисобланади. Қатнашчилар мавзу доирасидан четга чиқмайдилар.

Адабиётшунос олимларнинг таъкидлашича, аскияда лақаб ишлатиш қадимий анъана ҳисобланади. Аслида баъзи одамлардаги мавжуд табиий, жисмоний нуқсонларни ҳажв остига олиш, ғаразли кулиш уларга нисбатан ҳурматсизликдир. Аммо ҳақиқий аскияда лақаб аскиячининг шахсига пугур етказиш мақсадида эмас, балки аския сюжетини очиш, воқеа-ҳодисаларни таърифлаш, шахслар образини ёрқинроқ яратиш ҳамда сўз ўйинлари билан кулги чиқарувчи ишончли восита сифатида ишлатилади. Шунингдек, лақабларнинг иккинчи, учинчи

маънолари шахснинг муносабати, хатти-ҳаракатини ҳозир-жавоблик билан баҳолаш, ҳаётий далилларга таққослаш, воқеаларни синчковлик билан қузатиши ва топқирлик ила акс эттиришида ҳам аскиячининг маҳорати яққол кўринади. Аини пайтда лақабнинг яширин, кўзга кўринмас маънолари аския мавзусини янада тўлдиради, бойитади. Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда: «Аскияда бир илмоқ бўлмаса, кулги чиқмайди. Илмоқ худди шу лақабдир. Лақаб эса аскиянинг тарбиявий вазифасини енгиллаштиради.» Бунга ёрқин мисол тариқасида машҳур ҳофизлар Жўраҳон Султонов ва Шоқосим Шожалиловларнинг асли кўқонлик, «Бўқоқ» лақабли аскиячи Усмон қорига ҳазил тариқасида айтган қуйидаги пайровини келтириш мумкин:

Шоқосим: Жўраҳон, ёнингизда ўтирган меҳмонни яхши танимаяпман. Айтинг, *бу қағлик* ўзи?

Жўраҳон: Мен ҳам танимайроқ турибман. *Бу қағлик*лигини қайдан билай?

Шоқосим: Бўлмаса сўраб билинг-чи, *бу қаққа* борар экан?

Жўраҳон: Шуни ҳам сўраб ўтираманми, *бу қақдан* келган бўлса, ўша ёққа бораверади-да!

Шоқосим: Гапни *бу қоқ* белидан гапирадиган чиқиб қолдингизми дейман. Ўйлаб кўрсам, у одам менга ҳам танишга ўхшайди.

Жўраҳон: Ҳа, бу укам тут дарахти тагида тўкилиб ётган мевасини териб юрган экан. Мен унга *бу қоқ*мас, дедим.

Шоқосим: Э-э, бўлди, эсимга тушди. Анов кун катта кўл ўртасидаги ўрдакни кўриб, *бу қоқ*илаяпти-я, деб ишора қилгандингиз.

Жўраҳон: Шунақа, қарға қағиллагани қағиллаган, аммо *бу қоғ*, демайди.

Шоқосим: Жўраҳон, уни қўйинг, бошқа пулдор ўртоқларингиз билан юраверсангизчи. *Бу қоқ* одам.

Жўраҳон: Тунов кун болаларга ёнгоқ тарқатаяпсам, у ўзини катта олиб, *бу қоқдан* беринг ҳам демади-я!

Шоқосим: Ўлкамизда писта-бодом, аштак-паштак жуда сероб-да, у сизнинг *бу қоқ*ингизга қарармиди?

Жўраҳон: Майли, омон бўлсак, унинг *бу қоқдан* еганини ахир кўрармиз.

Яна бир мисол: Машҳур ҳофиз Мамаюнус (лақаби «Кал») поездда кетишаётганда дўсти Эрка қорини аскияга тортар экан, унинг кўзи ожизлигига шаъма қилибди:

– Туринг, қори ака! **Кўр от**га (курортга) келдингиз!

Эрка қори бунга жавобан ёстиқдан бошини кўтариб, шоша-пиша купе деразасидан ташқарига қараб, шеригининг бошига ишора қилади:

– Ҳовлиқмай кетинг, Мамаюнус! Ахир бу ер тап-тақир **Шўртена**-ку!

Бу сўз ўйинини таҳлил қилишда тингловчи «**Кўр от**», «**Шўртена**» сўзларининг маъносини шу заҳоти закийлик билан кўзи ожиз, кал маъноларида ақлан тушуниб етмаса, аския ўзининг бутун моҳияти, аҳамияти, қадрини йўқотади. Натижада Мамаюнус аканинг маҳоратини ҳам Эрка қорининг топқирлигини ҳам баҳолай олмайди.

Назаримизда, сўз қочиримларини, жилваларини яхши билмайдиган киши кўп нарсдан бебаҳра қолади. Бир оғиз лутф, сўз ўйинидан ниҳоятда завқланиб, тиззасига шапатилаб, қаҳ-қаҳ уриб кулаётган одамнинг ҳолатидан кўра, гўзалроқ манзарани тасаввур қилиш мумкинми?

Анъанавий (маиший) ва саҳнавий аския намояндаларидан Юсуф қизиқ Шакаржонов, Усмонқори Раҳимбеков, Ижрокўмбува, Ғойиб ота Тошматов, Турсунбува Аминов, Абдулхаймаҳсум Қозоқов ва бошқалар номини халқимиз ҳурмат билан тилга олади. Ўтмишда аския ижрочилари орасида етук созанда, хонанда, актёр ва бастакорлар ҳам бўлишган. Расулқори Мамадалиев, Ғанижон Тошматов, Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар (Юсуфжон қизиқ ўғиллари), Юнусқори Юсупов, Соиб Хўжаев, Айниддин Зайнидинов, Қодирхон Усмонов, Абулқосим Тўйчиев, Фозилжон Султонов, Убайдулла Абдуллаев, Жалолиддин Раҳимов, Турсунбой Ғайзиев ва бошқаларни кўпчилик яхши танийди. Аскиячилар пайровларида ҳаётимиздаги ижобий томонлар, воқелигимизнинг ютуқлари, халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик улуғланади, янгича урф-одатлар, маросимлар тарғиб қилинади, айрим камчиликлар аёвсиз танқид остига олинади.

Шу ўринда кулги санъатимиз машҳур дарғаларидан бири Ҳожибой Тожибоев кулгининг тахминан 20 хили мавжудлигини

катта саҳналарда такрор-такрор айтгани, буни амалда исботлаб берганлигини яхши биламиз. Ёдингизда бўлса, Ҳожибой Тожибоев футбол мавзусидаги ҳангомаларнинг бирида стадионларимиз деярли ҳамиша ҳам мухлислар билан тўла эмаслигига назорат қилган эди:

«Мана бизнинг футболчиларимиз ҳам дунёнинг машҳур тўпсурашларидан тажриба ўрганмоқдалар. Яқинда битта ҳужумчи тўпни рақибидан олиб, ҳимоячиларни алдаб, тезликни мингга қўйиб, дарвозага гумбирлатиб тепди. Гол бўлди. Ана ундан кейин хорижликларга ўхшаб майкасини ечиб боши узра айлантириб-айлантириб ишқибозларга сувенир бўлсин деб отмоқчи эди, қараса стадион бўм-бўш!..»

Бу ноёб санъат турини асраш ва тарғиб қилиш ҳамда келгуси авлодларга етказишда аскиячилар жамоалари ва гуруҳлари, жумладан, Қўқон аскиячилар клуби Жўраҳон Пўлатов ва Ақромжон Анваров бошчилигида, Марғилонда Мамасидиқ Шираев, Андижон вилояти Хонобод шаҳрида Муҳиддин Султонов, Асакада Жумавой Хуррамов, Қорасувда Қаҳрамон Абдувоҳидов раҳбарлигида фаолият юритмоқдалар. Профессинал ва ҳаваскор йўналишдаги ижрочилар — Ҳотамжон Тешабоев, Баҳодиржон Шокиров, Содиқжон Ҳасанов, Мансуржон Охунов ва бошқалар аскияни оммага етказиш ишига ҳисса қўшмоқдалар.

Мустақиллик йилларида ноёб қадриятларимиз қатори аскиямиз ҳам чанг-ғуборлардан тозаланиб, бошқа санъат турлари каби ривожланиш сари қадам қўйди. Камина аския, кулгининг ашаддий мухлиси сифатида устозларга эргашиб келаётган ёш сўз усталарининг ижодларини зимдан кузатиб бораман. Шулардан бири ўзбек қизиқчилигига содда ва самимий «отахон» образини олиб кириб, унинг тилидан гоҳ опера, гоҳ хоккей ўйинларини ажабтовур шарҳлайдиган сўз устаси Худойберди Зиёдовдир. У бундан анча йил аввал қизиқчиларнинг республика танловида мутлақ ғолиб бўлган эди. Худойберди назаримда ҳаётни жуда синчковлик билан кузатади. Ўзи шоҳид бўлган воқеа-ҳодисаларга ижодкор кўзи билан танқидий қарайди. Репертуарига сохта, ишончсиз сюжетларни киритмайди. Унинг ҳикоя қилиш услубида ўзига хос самимият бор. Бу ҳолат қизиқчилик санъатида жуда ҳам

муҳим. Чунки ҳамма ҳам Муҳиддин Дарвеш, Ҳожибой Тожибоев, Абдулла Акбаров ёки Худойберди Зиёдов айтиб юрадиган ҳангомаларни уларчалик кулгили, таъсирчан қилиб ижро эта олмайди.

Сўхбатларимиздан бирида Худойбердининг бир фикрига эътибор бердим: «Қизиқчи томошабинни, тингловчини таниши керак. Яъни кимнинг олдида, қаерда нимани айтишини фарқлаши зарур. Мана бир латифани олайлик. Отаси ўғлига: «Болам, отни сойга олиб бориб, суғориб кел» дебди. Ўғли: «Отажон, суғориб кела олмайман, лабимга учуқ чиқиб, чақа бўлган-ку» деганмиш. Отаси ҳайрон бўлибди: «Отни суғоришга лабингнинг нима алоқаси бор?». «Бор-да», дебди ўғли бўш келмай, – От сув ичаётганида ҳуштакни қаерим билан чаламан», – дебди. Бу ҳангомани шаҳарда айтсангиз, кўпчилик кулмаслиги мумкин.»

Кўряпсизми, бу жуда муҳим кузатув. Афсуски, аксарият қизиқчиларимиз ҳатто баъзи машҳурлари ҳам кўп ҳолларда катта томоша заллари, майдон, тўйхона, расмий тадбирларда аудиторияни ҳисобга олмай, ёдларига нима ҳангома тушса, ўшани бемалол айтишаверади. Нуроний отахонлар, онахонлар, қиз-жувонлар, болалар борлигини асло ҳисобга олишмайди.

Аскиячилик санъатини янада ривожлантириш, унинг бой хазинасидан кенг халқ оммасини баҳраманд этиш мақсадида юртимизда кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Истиқлол туфайли Наврўз ва Мустақиллик байрамларида аскиячиларнинг чиқишлари, Тошкент истироҳат боғларида аския кечалари, Хонобод шаҳрида Соиб Хўжаев хотирасига бағишлаб «Аския кунлари», Марғилоннинг марказий истироҳат боғида ҳар йили ёз фаслида катта «Аския байрамлари» мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири 2017 йилнинг 20–21 май кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жар» спорт-соғломлаштириш комплекси қошидаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да «Устозларни хотирлаб» мавзусида бундай катта аския ва кулги байрами ўтказилиши айни муддаодир. Мазкур тадбирда Фарғона водийсининг энг машҳур кулги ва



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3521> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3521> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3521>